

## **Белоруссияда зирхли танк қуролларини ривожланиши. «Разведка диверсион машинаси РДМ-2Т Сталкер»**

*Чирчиқ ОТҚМБЮ ЗТҚТ ишлатиши ва  
тиклаш кафедраси катта ўқитувчиси  
А.А.Исмоилов*

### **КИРИШ**

Ўтган аср бошларида Россия конструкторлари томонидан ишлаб чиқарилган жанговар машиналар дунё бўйича олдинда юрарди бу барчамизга маълум, вақт ўтиши билан давлатлар мустақил бўлиб бошлагандан сўнг, жанговар машиналарни ишлаб чиқарадиган Давлат корхоналари Россиядан ажралиб қолди, бу билан улар ишлаб чиқариш имкониятларини давом эттира олмай қолганди.

Хозирда шундай давлатлардан бири Беларуссияда ҳам зирхли техникалар ишлаб чиқариляпти ва такомиллаштирилиб борапти. Ўтган аср охириги йилларида “Минск” ишлаб чиқариш давлат корхонаси “Монитор - сервис” да ҳам машина 2Т деб номланган “БРДМ” зирхли разветка дозор машинасига ўхшаган “РДМ-2Т” деверсион - разведка машинаси ишлаб чиқарилди ва унга “Сталкер” деб ном берилди. Ушбу ном жанговар машинанинг автори “СТАЛКЕРА” сўзидан келиб чиқиб, панадан туриб фронт чизигида кўкқисдан хужум қилиш деган маънони беради.



1-расм. “РДМ-2Т” деверсион - разведка машинаси. “Сталкер”

Танк РДМ-2Т СТАЛКЕР дунёда биринчи булиб, СТЭЛС технологиясида ишлаб чиқарилган. Радиолокацион, иссиқлик ва оптик диапазонларда деярли куринмас бўлиб, душман радарлари унинг олдида кучсиз деб ҳисобланади.

Танк 2Т душман ортида диверсион ва разведка ишларини олиб бориш ва душман объектларини яқсон қилиш учун мулжалланган, машина экипажи автоном рейдда бир ҳафтадан кўп вақт давом эттириши мумкин, бундан ташқари у, мустақил равишда душман ҳудудларини миналаштириш имкониятига ҳам эга. “Монитор сервис” жанговар машинаси учун ўзининг шахсий, душманнинг катта нишонларини яқсон қиладиган қуроллар билан таъминлашга қарор қилди. “РДМ-2Т” диверсион - разведка машинасида пулимет, автоматик гранатамет, автоматлашган пушка ва ракеталар тўплами мавжуд. СТАЛКЕР ўзининг мулжалланишига кўра “БРДМ” зирхли разведка дозор машинасига ўхшайди, бу машина билан СТАЛКЕР нинг фарқи шундаки, унинг ташқи кўриниши бу машинага нисбатан жуда бошқача, унинг оғирлиги 27.4 тонна бўлиб, ушбу жанговар машина ташқи кўришидан фақатгина танкни эслатади, зирхи тўғридан келган калибри 30-35 мм бўлган снарядларни ушлаб қолиш имкониятига эга.



2-расм. “РДМ-2Т” диверсион - разведка машинаси. “Сталкер”

Бундан ташқари ушбу зирх пиёдаларга қарши миналарда ҳам зарарланмайди. Ёнбош зирхлари эса, фақат калибри 12.7 ва 14.5 мм. ли пулемётларнинг пуляларини ушлаб қолади. Бу ёмон натижа эмас, агар жанговар машинанинг оғирлигини ҳисобга олганда. “Минотор сервис” нинг аниқ технологиясидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жанговар машинанинг шовқинсиз юришини резина қопламали тиргак катоклар ва занжирнинг керакли қисми резина билан қопланганлиги таъминлайди. Жанговар машинани душман томондан инфрақизил нурлар билан кузатилишини олдини олиш учун махсус формали чиқариш трубалари мавжуд.



3-расм. РДМ-2Т Сталкер деверсион - разведка машинаси юриш қисми

Ушбу махсус формали трубалар машинанинг ён қисмида жойлашган бўлиб, узун тарновчалар билан чиқарилган. Чикқан газларни совутиш радиатор орқали ўтган ҳаво ёрдамида амалга оширилади. Ушбу тизим чикқан газ температурасини ўрта ҳолатда ушлаб туради, лекин бу жанговар машинани кўринмаслигига таъсир кўрсатади. Бунинг учун корпусда ўзига хос бир бирига боғланган бурчаксимон текис панел мосламалари ўрнатилган. Жанговар машинани кўринмаслигидан ташқари, унинг юриш қисми юқори даражада такомиллаштирилган, кучланиш қисмига дизел двигатели ўрнатилган. Двигател 840 от кучига эга (тахминат В-46 двигателига ўхшаш). Ушбу машина соатига 100 км масофани текис йўлда босиб ўта олади, паст баланд жойларда эса, соатига 60 км ни босиб ўтади. ёқилғи захираси 1000 км ташкил этади.



4-расм. Деверсион - разведка машинаси РДМ-2Т Сталкер орт томондан кўриниши.

2Т деверсион – разведка машишасининг ички кўриниши бошқа замонавий жанговар машиналардан кам эмас, механик хайдовчи нафақат оптик приборлардан, ундан ташқари ташқарига ўрнатилган видиотизим, монитор ва камерадан ҳам фойдалана олади. Худди шундай приборлар машинанинг орқа томонини кўриш учун ҳам ўрнатилган, бунинг учун машинани олди борт қисмида орқага қаратилган иккита камера ўрнатилган. Ушбу тизимни ишлатиш асосан кнопкалар билан амалга оширилади, бу механик хайдовчининг бошқа тизимларни бошқаришини осонлаштиради.

Узатмалар кутисини бошқариш ричак ёрдамида амалга оширилади, рулни бошқариш эса самолётларникига ўхшаб штурвал билан амалга оширилади.



5-расм. “РДМ-2Т” деверсион - разведка машинаси. “Сталкер”ни бошқарув бўлими ички кўриниши.



## ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки замонавий жанг суръати ўзгарган пайтда, яъни машиналар ва аскарларни сони жанг майдонида камайиб, кўп қон тўкишлар билан узоқ муддат оғир жангларни олиб бориш ўрнига кўпроқ кичик локал конфликтлар кириб келмоқда.

Тезлик ва юқори аниқликга эга қуролларга таянган шароитда кучли, оғир ва манёврчанлиги паст бўлган танклардан кўра, шу каби тез ва кўринмас машиналар фойдалироқ деб ҳисоблаш мумкин.

Бир суз билан айтганда машинани универсал диверсант деб атаса бўлади, айрим хабарларга кўра араб давлатлари ҳозирги кунда ушбу РДМ Т2 (разведка диверсион Т2) машинасига қизиқиши бор, лекин бошқа давлатлар сотиб олиши ёки олмаслиги маълум эмас.

### ҚЎЛЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. [www. btvt.narod.ru](http://www.btvv.narod.ru).